СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 119 (10.424) / 2005 ЙИЛ 21 ИЮНЬ

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

## МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида:**

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилсин.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари иловага мувофиқ белгилансин.

Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача ҳар чоракда тўланиши белгилаб қўйилсин.

2. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган база акциз солиғи суммасига камайтириладиган тартиб ўрнатилсин.

3. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилнинг 1 июлигача:

ягона солиқ тўловини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш нормативларини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки билан биргаликда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, тўлаш ҳамда уни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

илгари микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларида берилган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида амал қилади;

ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлащдан озод қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда уч ой муддатда «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, лойиҳада тадбиркорлик субъектларини солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг амалий механизми кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 20 июнь*

# ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ !

**18 ИЮНДА ПОЙТАХТИМИЗДА, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ!» ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА 8 МИНГГА ЯҚИН ЎРТА МАХСУС ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБА-ЁШЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**



# ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН !





Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган сўзлари бугун ҳаётимиз шиорига айланди. Бу сўзлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун жамият ва айниқса ёшлар учун ғоят қадрлидир. Чунки мустақиллик, тинчлик ва осойишталик - бу энг азиз ва буюк неъмат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки стадионида ёшларнинг ватанпарварлик фестивали ҳам ана шу шиор остида ўтказилгани бежиз эмас. Тадбир Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзтелерадиокомпания ва «Terra Group» компанияси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг қалбида ватанпарварлик, буюк аждодларимизга, халқ анъаналарига ҳурмат, миллий истиқлол ғоясига содиқлик каби ҳис-туйғуларни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бугун мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, айниқса ёш авлод вакиллари ўз тақдирини мустақил Ўзбекистон тақдири билан чамбарчас боғлиқ деб билади. Биз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини, ўзлигимизни янада теран англадик, қандай буюк аждодларнинг ворислари эканимизни чин юракдан ҳис этдик ва миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар уйғунлигида яшашга интилмоқдамиз.

Давоми 3 -бетда.

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 июнь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни қабул қилди.**

**Фарит Мухаметшин Ислом Каримовга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мактубини топширди ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.**

**● Ғазалкентда «Тинчлик кунларининг қадрига етайлик» шиори остида мушоира бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигида Ғазалкентга ташриф буюрган уч авлод шоирлари Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёни, кенг кўламли ислоҳотларнинг самаралари, ўзининг буюк келажагини барпо этаётган Ўзбекистоннинг бугунги равнақи, тинчлигимизга хавф туғдираётган террорчилик ва экстремизмнинг илдизларини қирқиш ҳақида гапиришди.**

**● Навоий вилоятининг универсал кутубхонасида «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туманларидан келган кутубхоначилар беш шарт бўйича беллашдилар.**

### Жаҳонда

**● Яқинда иқтидорли ёшларимиздан бир гуруҳи Қозоғистон Республикасининг Алмати шаҳрида бўлиб ўтган 7-Халқаро математик лойиҳалар танловида қатнашдилар. Мазкур халқаро мусобақада АҚШ, Россия, Австралия, Руминия, Македония, Туркия каби дунёнинг 23 мамлакатидан келган 100 нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этди.**

**● Эронда мамлакат президенти сайловлари бўлиб ўтмоқда. 47 миллион аҳоли беллашувда ўз овозлари билан қатнашяптилар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли ФАРМОНИГА ИЛОВА

## МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ СТАВКАЛАРИ

| Тўловчилар | Сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|
| 1. Иқтисодиёт барча тармоқларининг корхоналари, 2-4-бандларда кўрсатилганлари бундан мустасно | 13 |
| 2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно | 6 |
| 3. Юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган корхоналар | 30 |
| 4. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар | 50 |

**Эслатмалар:**

*1. Харид, таъминлаш-сотиш корхоналарига, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларига ягона солиқ тўлови жорий этилмайди, улар учун ягона солиқ ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби ва белгиланган ставкалари сақлаб қолинади.*

*2. Лизинг компаниялари учун ставка лизинг берувчининг даромади (маржа)га нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қўмита раиси Б.Иминов бошқарди.**

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил юзасидан ҳисоботини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов маъруза қилди.

Мажлисда таъкидландики, ҳисобот даврида Марказий банк ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларга ҳамда монетар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ ҳолда амалга оширди. Мамлакатимиз Ҳукумати ва Марказий банк томонидан макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил пул-кредит сиёсати ўтказилди.

Банкларнинг кредит маблағлари асосан устувор лойиҳаларни молиялаштиришга, кичик бизнес соҳаси корхоналари ва якка тартибдаги тадбиркорликни, фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Ана шу мақсадларга ажратилган маблағларнинг 81 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этди.

Банк тизимини янада ислоҳ этиш ва либераллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилганлиги натижасида банкларнинг жами капитали, активлари ва кредит қўйилмалари ҳажми сезиларли даражада ошди. Хусусан, банкларнинг жами активлари ўтган ҳисобот даврига нисбатан 13,3 фоизга кўпайди.

Мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банклари ҳисоб варақларидаги омонатлар ҳажми йил сайин ўсиб боришини таъминламоқда. Ҳисобот даврида фуқароларнинг омонатлари қолдиғи 1,9 марта ошди, бу эса одамларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Мамлакат молия бозорида банклар ўртасида рақобатни кучайтиришга ҳамда мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кўрилди. Шу мақсадда «мини-банк»лар тармоғи анчагина кенгайтирилди. Уларнинг сони ҳисобот даврида 327 тага кўпайди ва эндиликда 1122 тага етди.

Тадбиркорлар учун кредит олиш имкониятларини кенгайтиришда мададкор бўлувчи кредит уюшмаларини янада ривожлантириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Сенаторлар ҳисоботни маъқулладилар ҳамда Марказий банкка Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида банк ва молия тизимларида ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишни кучайтиришни тавсия этдилар. Сенат аъзолари ўтказилаётган пул-кредит сиёсати самарадорлигини янада ошириш, валюта бозорини ривожлантириш, чет эл валютасида ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш зарурлигига урғу бериб, банкларнинг янада капиталлашувига, уларнинг маблағларини устувор лойиҳаларни инвестициялашга жалб этишга доир ишларни янги босқичга кўтариш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

**ЎзА**

# ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

**«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони тадбиркорлар ўртасида кенг муҳокама қилиниб, бу ҳужжат уларнинг қанотлари янада кенгроқ ёйилишига замин яратиши хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.**

**● Насрулло АБДУВАЛИЕВ, «Sib Akbar» масъулияти чекланган жамияти директори:**

— Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда тадбиркорга юқоридаги Фармонда кўзда тутилган ҳуқуқий ҳимоя зарур эдики, шу боис ҳам уларнинг барчаси ушбу ҳужжатни бир олам мамнунлик билан қарши олди. Фармонда 2005 йил 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилган.

Уни диққат билан ўқиган ҳар бир тадбиркор айнан ўзи кутган долзарб Фармон чиққанига амин бўлиши турган гап. Шу боис ҳам ушбу муҳим ҳужжат ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Айниқса, эндиликда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш фақат солиқ хизмати органлари томонидангина белгиланган тартибда олиб борилиб, текшириш давомида солиқ ёки валюта билан боғлиқ жиноят белгилари аниқланган тақдирдагина бу ишни республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти амалга ошириши айни муддао бўлибди. Бу тадбиркорнинг молия-хўжалик ишларига барча маъмурий идоралар аралашувига, ортиқча югур-югуру асаббузарликларга чек қўяди. Яна қувонарлиси шуки, тадбиркорлик субъектларида текширув ўтказган назорат органлари вакиллари ўз ваколати ва назорат соҳаси доирасидан ташқари иш тутган ҳолларда фақат унинг ўзи эмас, балки ўша назорат органининг раҳбари ҳам масъул, ҳатто жиноий жавобгар бўлиши масъулиятни ошириши, шубҳасиз.

Сирасини айтганда, Фармон тадбиркорларга янаям ўзлигини кенгроқ намоён этиш, мустақил юртимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиш учун катта имконият яратади.

**● Собир УБАЙДУЛЛАЕВ, хусусий фирма раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони айнан биз тадбиркорларнинг дилидаги фармон бўлганлигини мамнуният билан таъкидлашим лозим. Негаки қанча-қанча ноқонуний текширув ва аралашувлар тадбиркорларнинг меҳнатга иштиёқини сўндириб, ишига халақит бериб келарди. Агарда ўзингизни ҳимоя қилсангиз ҳам, барибир сизга зуғум қилишарди, йўқ жойдан ҳам хато топишарди.

Шу боис бу жуда аҳамиятли, ниҳоятда зарур, тадбиркорлар сафини кенгайтиришда катта ҳисса қўшадиган муҳим ҳужжат эканлигини эътироф этиш, Юртбошимизнинг бундай ғамхўрлигидан самарали фойдаланиб, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшмоқ ҳар бир тадбиркорнинг бурчидир.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, шахсга нисбатан бирон-бир таъсир чораларини кўриш фақат судга юклатилган. Юқоридаги Фармонда ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда нарса кўзда тутилган бўлиб, унинг амалиётга жорий этилиши тадбиркорларга тўсиқ бўлган ҳолатларни бартараф этади. Шунингдек, Фармонда муқобил текширишларга фақат қонунда белгиланган ҳолатлардагина йўл қўйилиши аниқ кўрсатилиб, текширувчилар томонидан талаб этиладиган ҳужжатлар кескин чегараланган.

Авваллари тадбиркорлик субъектларининг ҳамкорлик қилаётган ташкилотларда ҳам муқобил текширувларда камчиликлар бўлса, уларнинг ҳам ҳамма ҳужжатлари текшириларди. Бу ўз-ўзидан ҳамкорларни йўқотишга, вақтни эса беҳуда сарфлашга олиб келарди. Фармонда эса "Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин" дея алоҳида таъкидланганлиги юқоридаги ҳолатга чек қўяди, ортиқча ташвишлардан ҳоли этади. Текширувларнинг ҳуда-беҳуда ўтказилмаслиги, албатта тадбиркор учун жуда муҳим саналиб, аввало унинг қимматбаҳо вақтини тежайди. Ахир тадбиркор учун ҳар бир дақиқа ғанимат, олтинга тенг. Тадбиркорнинг вақти бу пул билан ўлчанади, иқтисодиётга қўшаётган ҳиссаси билан белгиланади. Ана шуни ҳисобга оладиган бўлсак, ўз вақтида чиқарилган Фармон миллионлаб кишилар манфаатини ҳимоя қилади, тадбиркорлар сафининг кескин ортишида катта роль ўйнайди. Сирасини айтганда, тадбиркорни изланишга, ташаббусга, эл-юрт равнақи йўлида янада эркин фаолият кўрсатишга ундайди.

# МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

**Пойтахтимиздаги «Компрессор» акциядорлик жамиятида янги турдаги электрон компрессорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ускунанинг сифати юқори ва унга талаб катта.**

Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланган мазкур корхона негизида хорижий сармоядорлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Осиё Компрессор-Фильтр» ҳамда «RFN-Kompressor-Filter» қўшма корхоналарида автомобиллар учун қирқдан ортиқ турдаги фильтрлар ҳам тайёрланмоқда. Уларнинг нархи чет элникидан анча арзон.

— Асосий буюртмачиларимиздан бири «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидир, — дейди цех бошлиғи Тўлаган Бадалов. — Йил якунигача олтмиш мингга яқин турли хилдаги фильтрлар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, цехимизда ички ёнув двигателли автомашиналар учун мой фильтрларининг тўлиқ мажмуасини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз ички бозорида муносиб ўрин эгаллаётган ушбу маҳсулотлар чет элдан келтириладиган турли русумдаги автомобиль фильтрлари ўрнини босиш билан бирга, анчагина валюта тежаш имконини ҳам беради.

**ЎзА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **«КЕТРИНГ»** миллий авиакомпаниясида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** «Маданият» ва «Гулистон» маҳаллаларида фаоллар иштирокида бўлиб ўтган тадбирларда Андижонда содир этилган мудҳиш воқеалар муҳокама этилиб, диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари қораланди. Ушбу мавзудаги «давра суҳбатлари» шунингдек Бектемир туманидаги «Зилола», «Истиқбол», «Чашма» ва «Бинокор» маҳаллаларида уюштирилди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан «Камолот» юлдузлари — 2005» фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **АЙНИ** кунларда «Тинчлик» ва «Фарҳод» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан учинчи июндан бошланган «Тилларни ўрганамиз» дарслари давом этмоқда. Жаҳон тиллари университети талабалари ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу дарслар учинчи июлда якунланади.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтган анжуман Бутунжаҳон саҳроланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш кунига бағишланди.

● **110-МАКТАБ** қошида ташкил этилган «Бойчечак» оромгоҳида асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов, шунингдек «Қувноқ стартлар» ўйини ўтказилди.

● **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида Халқаро Амир Темур жамғармаси ташаббуси билан «Темур тузуклари» яратилганлигининг 600 йиллигига бағишлаб янги нусхада чоп этилаётган китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ !





# ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН !

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Фестиваль давомида бу фикр яна бир бор ўз тасдиғини топди. Албатта, анжуман ўтказилган спорт мажмуаси миллий истиқлол ғояси асосида жипслашиш, буни ўқиш, спорт ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ўз ютуқлари билан исботлаш, мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталикка раҳна солишга, халқимизни танлаган йўлидан қайтаришга уринаётган кимсаларга муносиб зарба беришга тайёр ёшларнинг барчасини сиғдира олмас эди.

Ўзбек халқи ҳар доим бағри кенглиги билан таърифланган ва айнан шу хусусияти унга барча тўсиқларни енгиб ўтиб, фақат олдинга, юқори чўққиларни забт этишга чорлаган ва бу борада энг муҳими у фақат ўз кучига ва имкониятларига суянган ва таянган, зеро ҳар бир ўзбекистонлик учун инсоний бурч ва масъулият барча нарсадан устундир.






Андижонда бўлиб ўтган воқеалар халқимиз учун яна бир синов бўлди ва бу ундаги мустақиллик, озодлик ва демократияга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Террорчи-экстремистик кучларнинг ўзбек халқининг букилмас иродаси олдидаги ҳаракатлари зое кетди. Шу боисдан-да қисқа вақт ичида вазиятни барқарорлаштириш ва Андижон аҳлига тинч ҳаётни қайтаришга эришилди.

Ўша фожиали кунлардан бир ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлсада, аммо ўзбекистонликлар ҳануз ушбу воқеаларга ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Уларнинг нуқтаи назарлари қатъий: ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмаган ва ҳар доим шундай бўлиб қолади ҳам. Пурмаъноли бу сўзларни шиор қилиб, ватанпарварлик фестивалини ўтказишда ташаббускорлик кўрсатган ёш авлоднинг ҳам бу борадаги фикри бирдек: Ўзбекистон ёшлари ўз мустақил давлатини ҳеч кимга бериб қўймайди, керак бўлса, унинг учун жонини ҳам фидо этишга тайёр.

Пойтахтимизнинг нуфузли мажмуаларининг катта саҳнасида намойиш этилган театрлаштирилган фестиваль бир нечта композицион йўналишлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида иштирокчилар — болалар, қўшиқчи ижрочи, шоирлар, театр артистлари таркибидаги ижодкор ёшларнинг бари тадбирнинг ватанпарварлик руҳини акс эттиришга ҳаракат қилди. Уларнинг огоҳлик, тинчлик сари даъватлари томошабинлар қалбида жо бўлиб, кенг майдон бўйлаб акс садо тарқатди.

Ватанга муҳаббатини, садоқатини Европа ва Осиё турнирлари, Олимпия ўйинларида намоён этган, ғолиблик шоҳсупасига рингда беллашиб чиққан ва мамлакатимиз байроғини халқаро майдонда юқори кўтариб, унинг нуфузини янада мустаҳкамлаб бораётган спортчиларимизнинг чиқишлари ҳам ёшларнинг қалбида ўзгача ҳис-туйғуларни уйғотди.

Ёш офицер-ҳарбийларнинг илдам-илдам қадам ташлашлари, чаққонлик билан ҳарбий тайёргарликларини намойиш этганлари эса ҳар бир фестиваль иштирокчисини бир зумга бўлса ҳам Ватан ҳимоячиларининг олдида, уларнинг қаторида тургандек ҳис этишга ундади.

«Она монологи» ижро этилаётганида майдонни узоқ сукунат қамраб олди. Бу композиция халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида Андижонда содир этилган террористик хуружларга қарши курашда ҳалок бўлган капитан Баҳром Жўраев хотирасига бағишланди.

... Офицер Баҳром Жўраев вазиятни дарҳол англаб, ўз ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигига қарамасдан, жиноятчиларга қарши тик борди ва улардан қуролларни топширишни ва гаровга олинганларни қўйиб юборишни қатъий талаб қилди. Бунга жавобан жиноятчилар аёвсиз ўт очади ва Баҳром Жўраевни ярадор қилади. Шунга қарамасдан, капитан ўз раҳбарлигидаги бўлинманинг дадил ва жанговар ҳаракатланишига жавобгарлигини унутмайди ва натижада жиноятчилар талафот кўради, аммо оғир жароҳатлари оқибатида Баҳром Жўраев ҳалок бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра капитан Баҳром Жўраев давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилиш ҳамда хизмат бурчини адо этишда жасорати ва фидойилиги учун иккинчи даражали "Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Бу матнлар монологда тўлиқ аксини топмаган бўлсада, лекин онанинг ўксиклик қалбида Ватани, ўз халқи осойишталиги учун мардларча ҳалок бўлган фарзандига бўлган ғурури устун келаётганини сезиш қийин эмасди...

Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон. Фидойинг бўлайлик ҳар доим сенга... Шундай кўтаринки руҳда ўтган фестиваль ҳеч кимни бефарқ қолдирмади ва бу борада ҳамманинг фикри бирдай бўлди. Шу каби байрамлар қанчалик кўп ўтказиб турилса, ҳамжиҳатлик, бирдамлик, Ватан, халқ олдидаги бурчни ҳис этиш каби қадриятлар янада фаолроқ намоён бўлиб бораверади. Буни қуйида фестиваль ташкилотчиларию иштирокчилари ҳам такрор ва такрор изҳор этдилар.

**Ҳамид АБДИЕВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг информатика- менежмент факультети талабаси:**

— Менинг назаримда, фестивалнинг мақсадига тамомила эришилди. Байрам безаклари, саҳна олдида ва ортидан ёшларга айтилган пурмаъноли сўзлар, эстрада хонандаларининг она, Ватанга садоқат ва муҳаббат ҳақидаги куй-қўшиқлари, ғурур ва ифтихоримиз бўлмиш ҳарбийларимиз ва спортчиларимизнинг чиқишлари биз, томошабинларни, бевосита фестиваль иштирокчилари қаторида бўлиб, ватанпарварлик туйғуларини чуқур ҳис этган ҳолда бир-биримизга, атрофимиздаги эндигина орттирган янги дўстларимизга етказишга чақирди, десак муболаға бўлмайди. Бу борада ғурур ила Ватанимиз мадҳияси янграши, байроғимиз бепоён майдон узра ҳилпираши ҳис-туйғуларимизни янада чуқуррок англашга ундади.

Ватанга, онага, ўз халқига бўлган муҳаббат туйғулари ҳар бир инсонда авваламбор оиладан шаклланa боради. Мен мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан бирида таҳсил олаётганимдан фахрланаман ва келажакда иқтисодиётимиз истиқболига ўз ҳиссамни қўшиш ниятим бор. Шу билан бирга ўқишни тугатгач, албатта Ватаним олдидаги бурчимни адо этишни, армия сафида хизмат ўташни ҳам мақсад қилиб қўйганман.

**Умида БОЛТАЕВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси:**

— Бугунги кунда биз, ёш авлод учун, барча шарт-шароитлар бисёр ва ўз интилишларимиз сари ўқишимиз ва ишлашимизга барча имкониятлар мавжуд. Ҳар бир янги жамиятнинг шаклланиши йўлида учрайдиган вақтинчалик қийинчиликлар енгиб ўтилади. Буни тарихнинг ўзи кўрсатмоқда. Бу борадаги бизнинг асосий вазифамиз эса фақат ўқиш, илғор билимларни эгаллаш ва келажакда ўз танлаган касбимиз бўйича муносиб ўринни эгаллашдир.

Менинг ягона орзуим кимёгар бўлиш. Бизнинг мамлакат табиий ресурсларга, қазилмаларга бойдир ва улардан ҳаётда оқилона ва самарали фойдаланиш учун янги-янги технологик жараёнларни ўзлаштириш даркор. Бу дегани мавжуд имкониятлардан агарда биз тўғри фойдаланадиган бўлсак, қаддимизни баланд кўтариб, ғурурланиб юришимиз шубҳасиз.

**Нигора УМАРОВА,**
**политология фанлари номзоди:**

— XXI аср ёшлари ўта фаол, қизиқувчан, билимдон. Уларнинг телевидениега, газета ўқишга унча қизиқишлари бўлмасада, лекин мана шундай, бугунги фестиваль каби тадбирлар ёш авлоднинг том маънода ватанпарварлик руҳида шаклланишида муҳим восита ҳисобланади. Бунга фестивалнинг "Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди» шиори ҳам ҳар биримизга ва айниқса ёшларимизга ўзгача кўтаринки руҳ бахшида этаётганидан далолатдир. Ёшларимиз, биламизки, шунингдек ўта мағрур ва бу улардаги онгли мағрурликдир. Бугунги тадбирнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда яна шуни демоқчиманки, бизнинг ёшларимиз ҳеч ким, ҳеч қачон ана шу бугунги гўзал ҳаётни қарамликка — ўрта асрлар тартибига асло алмашмайдилар. Қолаверса, бундай мантиқсиз ғояни илгари сураётганларни умуман тушуниш қийин...

**Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси:**

— Андижонда юз берган мудҳиш воқеалар қанчалик фожиали бўлмасин, биз учун бу бир синов бўлди. Ёшларимиз ташаббуси билан ўтказилган бу фестиваль барчамизнинг руҳимизни кўтарди ва ягона мақсад сари — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги ёвузликка мойил кучларга қарши ҳамжиҳатлигимизни, бирдамлигимизни намоён этди деса, муболаға бўлмайди. Шу билан бирга у янги эзгу-ниятлар сари ҳаракат қилишга туртки бўлиб қолишига ҳам ишончим комил.

Театрлаштирилган ушбу тадбирда барча авлод вакиллари ҳозир бўлганини, авлодлар узвийлигини кўрсатиб турибди. Шу каби байрамона шовқинлар ҳар қандай вазиятда бизнинг енгилмаслигимизнинг ифодаси ҳам дейишимиз мумкин. Қолаверса, бундай тадбирлар кўпроқ уюштирилишини, одамларга яхши кайфият улашилишини жўшқин ҳаёт ўзи тақозо этаётир....

**Бахтиёр САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети декани:**

— Ёшларимизга ҳавас билан қарайман. Уларнинг имкониятлари катта. Замонавий ўғил-қизларимиз компьютер, бошқа илғор техника воситалари билан "сен" даражасида мулоқотга кира оладилар, бир эмас, бир нечта хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ва энг муҳими, уларнинг билим олишга интилишлари чексиз. Мени уларнинг қийинчиликлар олдида бўйсунмасликлари, ҳар қандай вазиятни англаган ҳолда хулоса чиқаришлари қувонтиради. Хусусан, факультетимизда, кейинчалик эса бутун ўқув юртимизда ҳам Андижонда бўлиб ўтган воқеаларга бағишланган суҳбат ўтказганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдим. Фарзандларимиз ҳам миллий, ҳам жаҳон тарихида ўз билимларини ифода этдилар. Улар диний назария ва амалиётдан ҳам яхши воқиф ва ўз нуқтаи назарини ҳимоялашга қодирдир. Фикрлаш, бўлаётган жараёнларга ўз муносабатини очиқ ифода этиш — бу замонавий ёшларнинг дунёқараши шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Биз, педагоглар, мактаб бўладими, олий ўқув юртими, барча даражада нафақат болаларга билим улашишни, балки уларга ҳаётнинг мураккаб жараёнларини тўғри англашни, оқни қорадан, ҳақиқатни ёлғондан ажратишга ёрдам беришимиз керак. Акс ҳолда уларнинг хатоси учун биз ҳам жавобгардирмиз.

**Шавкат ЖИЯНОВ,**
**шартнома бўйича ҳарбий хизматчи:**

— Ҳарбий бўлишга ёшлигимдан қизиққанман ва бу интилишим рўёбга чиқишида авваламбор ота-онам ва мактабдаги ўқитувчиларим ёрдам берганлар. Бунинг негизи эса менинг тўғри тарбия олишим билан боғлиқ эди. Отам ҳам, онам ҳам, кейинчалик ўқитувчиларим ҳар доим «Ҳақиқий инсон бўлгин» дея, менга насиҳат қилишарди. Авваллари, болалигим боис бу сўзларнинг маъносига тушунмас эдим, албатта. Мана энди ҳарбий бўлгач, ҳар бир эркак киши учун ҳақиқий инсон бўлиш қанчалик муҳим эканлигини, ўзи учун ва ўзгалар тинч ҳаёти учун қалқон бўлиш, ҳар доим тўғри сўз юритиш, ҳар қандай вазиятда фақат ҳақиқатни устун қўйиш нечоғлик муҳим эканлигини англаб етдим. Фестиваль дастурида биз ҳарбий йўналиш бўйича иштирок этдик ва бизни томошабинлар туриб олқишлашганида, мен яна бир бор мен каби ёшларимизда ҳарбий хизматга, Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли касбга бўлган меҳр ва интилишлари юқори эканлигини яхши тушуниб етдим...

**...«Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ"... Фестиваль шу тарзда бошланиб, шу тарзда якунланди ва аста-секин унинг иштирокчилари тарқала бошлаган бўлса-да, аммо ёшларимизга бўлган ишончни ифодаловчи юқоридаги сўзлар акс садо бўлиб катта саҳна ўрнини ўтаган майдон узра тарқалди. Бир зумда унинг айрим нақоратлари тилдан тилга ўтиб, ёшларнинг дилида янграй бошлади ва янада узоқ-узоқларга эшитилди. Шу дақиқа атрофдаги катта авлодни беихтиёр ёшларга бўлган ғурур қамраб олганини кузатиш мумкин эди: ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз бир олий ҳақиқатни — ўз ота-онаси, халқи, Ватани олдидаги бурчини адо этиб, муносиб фарзанд бўлишни яхши англаб етганларига шукрлар бўлсин.**

Ёшларнинг ватанпарварлик фестивалида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Дунё сенга хуш ўтиши учун ўзингни ўткинчи ҳою-ҳаваслардан асра, мол-дунёингни Худойи таолло розилиги йўлида сарф эт, шунда пушаймон емайсан!

● Ҳақиқий марднинг белгиси шуки, агар унда ажойиб раъйу фикр содир бўлса, бунга асло мағрурланмайди. Уни ёмонласалар, ғазаби ўрнидан қимирлата олмайди, агар уни мақтаб, кўкларга кўтарсалар унда манманлик пайдо бўлмайди, хайрли ишлар ва тўғри амалларга бош қўшади.

Яна деди: бундан аввал одамларни ер ютаётганини кўрар эдим, энди қарасам, одамлар ерни ютишяпти. Кимки одамларга яхши ишларни буюриб, ўзи бу ишни қилмаса, бу ўзи бошқалар учун қўлида чироқ тутган одамга ўхшайди.

Яна айтади: қаердаки комил ақлни кўрсанг, у ерда очкўзлик ва ахлоқсизликни кўрмайсан.

Яна деди: ғазаб устида турган одам билан уришма, уни ўша онда ўз ҳолига келтириш қийин, балки бу пайтда унинг ғазаби янада зиёд бўлади. Чунончи бу ҳақда шундай дейдилар:

Икки оқил ҳеч қачон бир-бири билан уришмайди.

Доно одам эса енгилтак киши билан тортишмайди.

Нодон киши ваҳшат билан қаттиқ гапирса,

Ақлли одам юмшоқлик билан кўнгил олади.

Бундай қилишмаса, демак ҳар иккови ҳам нодондирлар,

Ҳатто занжир бўлса, занжирни ҳам узишади.

Яна деди: уч одамга менинг кўнглим ачишади, камбағалга айланган бойга, хорликка мубтало бўлган азиз кишига ва нодонлар орасига тушиб қолган олимга.

Ҳақли одамга нарса бермоқчи бўлсанг, ялинтирмасдан бер.

● Уч киши борки, уларнинг бадани ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир қуролсиз, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмаса ҳам бирорта душман қиличидан захм ейиши муқаррардир. Иккинчиси, ёш ва соҳибжамол хотинга уйланган қари киши. Ёш хотин уни заҳарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йигитларга таъма кўзи билан қарайди. Учинчиси, бола-чақаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғрилар ўлдириб кетмасада, унинг ўзи бойлигини кимга қолдириш ҳақида қайғуриб, азобда ўтади.

● Уч киши истеҳзода ва масхаралашга сазовордир. Биринчиси, жанг майдонига ботирлар қаторида тушиб, кўпгина душманни қиличдан ўтказдим, деб лоф урса-да, бирор жойида на тилиниш ва на захм бўлмаган киши. Иккинчиси, илму ҳикмат йўлида ўзининг беҳад риёзат чекаётганини мақтаган, аммо семиз ва юзлари қип-қизил бўлган киши. Учинчиси, ўзининг кимлиги ҳақида мақтаниб, бирор киши ўзи билмаган нарса ҳақида савол берса, саволдан қўрқиб, даҳшатга тушган киши!

● Уч киши доимо ғаму андуҳга гирифтордир. Биринчиси, учқур оти бору аммо уни минолмаган ва минишга қўрққан киши. Иккинчиси, дастурхонида хилма-хил лазиз таом бору аммо уни ейишнинг уддасидан чиқмаган иштаҳасиз киши. Учинчиси, соҳибжамол хотини бўлиб, ўзи хунук ва касал бўлган киши.

*Ўзбек адиблари — "Оқшом" учун*

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# УМАРШАЙХ МИРЗО

## ("УЛУҒ САЛТАНАТ" ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

**Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида.**

Тўхтамиш ўғлон ҳали ўсмирлик нуқси сезилиб турган, дуркун, тиниқ юзли, ёрқин кўзли эди, илк сабза урган мўйлаби ҳам ўша улуғ амирзоданикидек... "Тутинган ўғлингиз бўлай, демакда... Ўғил қилиб олсам-чи... Ўғил! – пичирлади ичида Амир Темур. — Ўғлим, десам... Жуда ўхшайди... Ё раббий! Бир бандангга қандай синовларни раво кўрмакдасен?.."

Соҳибқирон кўнгли увалиб:

— Хуш келибсиз, ўғлим! Хуш келибсиз!.. – деб юборди беихтиёр....

Одатда катталар ёшларни кўрганларида, эркалаш, яқин олиш ниятида танимаса ҳам: "Ўғлим!", "Қизим!" дея мурожаат қилишади. Лекин Амир Темурнинг илинж билан айтган ҳозирги сўзларида ўзгачароқ маъно-мазмун яширинган эди. Буни ҳамма сезди. Айниқса Амир Жоку барлос ўзгача ҳолга тушди, юраги булкиллаб, бир лаҳза аъзои баданига титроқ кирди. Соҳибқирон "ўғлим" деганда, чамаси, амирзода Жаҳонгир вафотидан сўнг бўм-бўш бўлиб қолган бағри тўлгандай, ўғли ўрнига ростдан ҳам ўғил келаётгандек ҳис этарди ўзини... Ҳа, бу аниқ ва равшан эди!

Тўхтамиш ўғлон бошини кўтарди, қараса, Амир Темур Кўрагон ҳазратлари тахтдан тушиб у томон келмоқдалар! Яна "Ўғлим!" дейишлари бағоят кўнгилга ёқимли! Валинеъмати Тўйхўжа ўғлон қатл этилиб, етимлик машаққатини тортиб, мустарликда юрган бир бечора хонзодани энди Темурбекдай шавкатли подшо ўзига фарзанд санамоқда... "Тутинган ўғлингиз бўлай деганимга лаққа ишонибди!.." – деди ичида мамнун Тўхтамиш ўғлон. Шериклари берган маслаҳатга қулоқ солиб яхши қилибди. Подшоларга ўғил бўлай десанг ёқар экансан...

Амир Темур беихтиёр қулочини ёзганча хонзодага яқинлашди ва Чингизхон авлодини бағрига олди. Сарой аъёнлари таажжубда тикилиб турардилар. Оқ банот тўн кийган Амир Темурнинг қора чакмонга ўралган, бўйи Соҳибқирондан бироз паст Тўхтамиш ўғлон билан ҳамоғуш бўлганидан кўзлари ичига тортиб кетган Суюрғатмишхоннинггина кўнгли хижил, ғаш эди. Қордай оқ банот тўн билан мумдай қоп-қора чакмоннинг ёнма-ён турישини кўрингиз! Бамисли Амир Темур қўйнига қора илон кириб олгандай... Иложи топилганда эди, хон шу заҳотиёқ бориб, уларни ажратиб, Соҳибқиронга яхшилаб тушунтирар, Тўхтамиш ўғлонни эса рўй-хотир қилмай аччиқ-аччиқ сўзларни бетига айтиб, ҳайдаб юборишга фармон берган бўларди! Аммо Соҳибқирон ҳазратларининг кайфиятлари олий даражада эканлигида Суюрғатмишхоннинг бундай тутуми бошқача англашилиши мумкин. Хон Чингизхоннинг ўзга авлодига кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборга ҳасад қилаётир, ичиқоралик билан қараётир, кўролмаётир, демайдурларму? Албатта, дейдилар. Амир Темур бандасидаги мана шу ожизликни — ҳасад балосини асло кечира олмасди, Суюрғатмишхон буни яхши биларди. Шу сабабдан хон ўзини босишга мажбур бўлди, бирон нима дейишдан тилини тийди.

Барчанинг мақтов ва олқишлари остида Соҳибқирон меҳмонни етаклаб тахт пойига олиб келди ва ёнма-ён ўлтиришга таклиф этди. Унинг чингизий подшоҳзода паноҳ истаб келганидан мамнун эканлиги кўриниб турарди.

— Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлоннинг ҳузуримизга келиши салтанат парвози йўлидаги қутлуғ қадам бўлғувсидур, жаноблар! – деди аркони давлату сарой аъёнларига Соҳибқирон. – Уни ўғиллик рутбасига муносиб кўрдук, умид улким, бир фарзанди солиҳ мисоли сояи давлатимиздан баҳраманд бўлғувси ва камол топғувсидур. Илоҳо, бизни подшоҳзоданинг азиз бошини силаш ҳимматидан дариғ тутмасун!..

— Илоҳо, омин! – дуога қўл очди Мир Сайид Барака.

— Омин! – тасбеҳли қўлини юзига тортди шайхулислом Хожа Абдулмалик Самарқандий.

Ўзгалар ҳам "Илоҳо, омин!" дея шариат пешволарига жўр бўлдилар.

"Чингизхон авлоди — хонлар авлоди, — хаёлидан кечирди Амир Темур, — улар бизларга нописандлик билан назар ташлайдилар. Одам ўрнида кўрмайдилар, буни-ку биламиз... Қўлингдан келса яхшилик қил, деганлар пайғамбаримиз. Подшоҳзоданинг эъзоз-икромини шундай баландга кўтарайки, туша олмай қолсун. Кўмак берсам, қўлласам, иншооллоҳ, ўғлимиздек бўлур... Юртнинг Дашти Қипчоқ томонлардаги сарҳади тинч бўлади. Сўғин, қарздор ҳам қилиб қўйиш керак-да... Бу ҳам кишиларни боғлаб олишнинг боболардан қолган усули..."

Шу палла хаёлларга ғарқ Тўхтамиш ўғлонга кўзи тушиб қолган эди, унинг ерга маъюс қараб туриши яна Жаҳонгир Мирзони ёдга туширди-ю вужуди енгилгина жимирлаб қўйди.

— Мамат!

— Қулоғим сизда, Соҳибқирон ҳазратлари! – қўй кўзларида ўт чақнади Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг.

Амир Темур мулозими кейинги пайтларда иложи борича Соҳибқирондан йироқ кетмасликка, ҳамиша ёнида бўлишга тиришди. Қайғуга чўмган дамларда Соҳибқиронни юпатиш, чўккан кўнглини кўтариш йўлларини қидирди. У шундай йўлларни топа олишга моҳир эди ҳам. Одатда, киши бошига оғир кунлар тушганда ўтган умр, босилган қадамлар, яхшилигу ёмонлик, қувончу ташвишлар ҳақида беихтиёр хаёлларга берилади, ўзига паноҳ излайди. Худди шу нарсани Соҳибқирон ўз бошидан кечирмоқда, ўзи шунинг шоҳиди бўлиб турибди.

Ўхшаш руҳий уқубатли паллаларнинг бирида Муҳаммад Чуроға додхоҳ Амир Темурга бундан йигирма беш йил муқаддам; ўша Шайх Шамсиддин Кулолнинг Шаҳрисабз чеккасидаги кенг-мўл чорбоғига боргани-ю кичиккина ариқ бўйида дафъатан сочлари майда-майда ўрилган қизга дуч келиб қолганини эслатди... Мулозим мўлжални тўғри олганлигига шу заҳотиёқ имон келтирди: ғамнок Амир Темурга бамисли жон кирди, юлдуздай ярқ этиб бир кўриниб Боғи Эрам париларидай ғойиб бўлган офатижон қирқ кокил ойимча кўз олдига келди. Астагина "Воҳ!.." деди, аммо бу сўз қалбидаги надомат тафтини пасайтира олмади шекилли, чуқур хўрсиниб қўйди. Шаҳло кўзли, ажабтовур суюклик, юзлари ширмой нондай хушрўй бу қиздан, ажабо, кейин бирон ном-нишон топилмади... Ёраббий! Бу қандай адолатсизлик! Суйган кимсангни куппа-кундузи йўқотиб қўйсанг, хоҳлаган вақтингда эмин-эркин кўра олмасанг!..

Орадан йиллар ўтиб кетди, аммо ўша юзлари ширмой нондай хушрўй қизнинг нурафшон сиймоси ҳануз Соҳибқирон кўнгил оинасини безаб турибди, ғойиб жамоли дил лавҳига оро бериб келмоқда...

— Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон, ўғлимиз ташрифини улуғлаб Боғи Нақши жаҳонда шоҳона тўй тадорики кўрилсун! Амирул умародан вазирларгача, амирлару нўёнлар, сардорлар ул жойга йиғилсунлар! Подшоҳзоданинг тенгқурлари бўлган амирзодаларни чорлангиз, танишсунлар, келгусида қўлдошлик, елкадошлик қилсунлар! Зеро, умр пиллапоялари тикдур, ёлғиз ўтмак бағоят мушкул, шуни эсдан чиқармасунлар! Муғаннийлар ўз чолғуларини созласунлар! Фароғат паллалари етди! Андоқ тўй-базм қилингизким, жаҳонда ғам оти йўқ бўлсун, базми жамшид довруғи дунёларга ёйилсун!

— Дунёларга ёйилсун!

— Ёйилсун!

— Ёйилсун! – қабилида овозлар янгради кўринишхонада.

Мир Саййид Барака Соҳибқирон қалбида юз берган кўтаринки руҳ мавжларини ҳис қилди-ю ўзи ҳам тўлқинланиб кетди. Чиндан ҳам ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини англаб, қазойи кадарга тан бериб, муборак назарини олдинга, ёруғ кунларга қаратишга ўзида куч топа олган одамгина бахтлидур, Аллоҳ суйган бандадур. Бундай инсонларнинг ҳиммати баланд бўлади, шижоати комилликнинг юксак чўққиларидан кўзини узмайди...

У Соҳибқиронга қўлловчи икки оғиз калом айтиб қўйиш заруратини сезди ва беихтиёр жилмайиб турган Тўхтамиш ўғлонга бир қараб қўйди-да, бундай деди:

— Амир Соҳибқирон! Оре, рост. Хорликда қолган бир кас паноҳ излаб қошингизга келганда, ҳимматингизнинг сарбаланд кошонасидан жой кўрсатмак сизга одатдир. Аллоҳ таоло сизга шундай табиату сийратни ато қилғон. Бари Худодан... Мустафо ҳазратлари ҳадисларида дейилмишки, чиндан ҳам парвардигор олий ҳимматлилигу хуш табиатлиликка боғлиқ шижоатларни хоҳиш этади ва ушмундоқ инсонни дўсту ҳабиб тутади. Алғараз, кимки бундан чекинса, кўргизилган иззату икромнинг қадрига етмаса, паст ҳимматлиликка юз бурса, у албатта охир-оқибатда хор бўлади. Кимки толенинг бундай бемисл марҳаматини англай олса номи шарафу шавкатларга бурканади... Ал-ҳамду лиллаҳир раббил оламин!

Пири муршид фикрини ўзгачароқ, юмшоқроқ йўсинда ифода қилмоқчи эди, лекин камоли тўғрисўз эканлигидан тили бошқа иборааларга айланмади. Суюрғатмишхон ичида мамнун бўлди, аммо чеҳрасига чиқармади. Амирлар бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар.

Ноқулай бир вазият юзага келгандай эди.

— Ҳимматимиз, иншооллоҳ, яхши самаралар туҳфа этгай! – дарҳол деди Амир Темур ҳеч нарса сезмагандай. Ичида пири муршиднинг сўзларини маъқуллар экан, ҳушёр бўлиш, жуда ҳам ишониб кетавермаслик, кўнгилда озгина шубҳага ҳам ўрин қолдириш кераклигини англади. Мир Саййид Барака ҳазратлари ана шунга ишора этмоқдалар. Рости, мана шу чингизийзодага ўхшаб салтанат остонасига бош уриб келганларнинг бошларини баланд қилди, иссиқ-совуғидан хабар олди, ўзи емай едирди, киймай кийдирди. Оқибатда-чи, кўплари барибир хиёнат йўлига кириб, Соҳибқирон кўзига чўп суқиб, қилич ўқталдилар...

"Кимсаки валинеъмати юзига тик қарагай ва неъмат ризосини унутгай, Аллоҳнинг қаҳрига учрагай!" деган эди пири муршид бир куни. Ажабо, сен одамларга беғараз яхшилик қилурсен, эвазига улардан фақат ёмонлик кўрурсен... Ҳа, ёмон – ёмон... Ҳатто пайғамбаримиз айтган эканларки, ёмон одам унга яхшилик кўргизган одамга ёмонлик қилмагунча бу дунёдан кетмас эмиш! Водариғ! Бари дунёи бевафонинг тескари иши. Соҳибқирон мана шуни тушунолмай келади, булар ношукр инсон табиатининг бир-бирига зид бўлган хусусиятлари, кўринишлари, албатта... Раҳматли Жаҳонгир Мирзо худди мана шундай юзи қора бебахт хиёнаткорларга жазо бериш керак, эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи – ит, деб бекорга ёзғирмас эди-да... Бечора ўғли! Сиз ҳақсиз, амирзодам, лекин давлат сиёсатининг талаблари ўзгача, ҳийла ишлатишга ҳам мажбур этади, йўллари эгри-бугри... Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас... Ўшанда, афсуслар бўлғайким, шуни Жаҳонгир Мирзога яхши тушунтириш фурсати топилмади...

Мамнун Соҳибқирон Тўхтамиш ўғлонга юзланди:

— Узоқ йўлдан ҳориб, уқубатлар тортиб келдингиз, ўғлим... Қиш охирлаб қолди, оз муддатдан кейин йўллар қурийди. Марди майдонликни кўрсатмак учун офтобли кундан яхшиси йўқ. Ҳеч қачон селу ёмғирда жангга киргулик қилмасун! – Амир Темур бундан ўн икки йил аввал юз берган "лой жанги"ни эслади, Соҳибқирон қўшини ўшанда умрида илк марта мағлублик аламини тотган, душмандан қочиб қутулган эди. Айниқса, уларнинг жуфтакни ростлаб қолганларини кўриб, ёғийнинг осмонни тутган: "Қочди! Қочди!.." деган ғолибона ҳайқириқларини эслаганда ҳали-ҳали қизариб кетади. – Бироз истироҳат қилингиз! Зинҳор мусофирчилик азиятини чекмағайсиз! Мамат! Фармонимизни еткурғилким, хазинадан подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон ва унинг тобеъларига тўққиз-тўққиз пешкаш қилинсун! Ҳадсиз-саноқсиз сийму зар, зебу зевар, чодиру ўтов, молу мато, ноғора-ю туғ, оту хачир, аскару навкарларга ола боргоҳлар ҳам қўшиб тортиқ этилсун!

— Бош устига, ҳазратим! — қўли кўксида жавоб қилди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Атрофдан ҳамду санолар янгради:

— Ҳимматларига офарин!

— Илоё, давлатларига давлат қўшилгай!

— Беқиёс саховатларига тасанно!

Амир Темур бироз ўйланиб турди-да, давом этди:

— От – йигитнинг йўлдоши, дейдилар. Машҳур Хонўғлон отимни ҳам азиз ўғлимга бахшида айладим! Ўғлим азиз! Узоғини яқин қилсун, илоҳо! Жонига ярасун! Тўхтамиш ўғлонга Хонўғлон йўлдош бўлсун! – Сўнг Тўхтамиш ўғлонга юзланди. — Ўғлим, бу отни асрангиз, куни келиб яраб қолади...

**Давоми келгуси сонда.**

*Йиллар садоси*

# «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҲИКОЯ

1986 йил «Оқшом» газеталарида бир қатор ўзгаришлар йили бўлди. Сафимизга бир гуруҳ тажрибали журналистлар келиб қўшилди. Газетага жамоатчи мухбирларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида жамоатчилик таҳририяти таркиб топди. Ҳафтада бир марта соҳа раҳбарлари иштирокида газетхонлар билан юзма-юз учрашув ёки телефон орқали тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориладиган бўлди. Икки ҳафтада бир марта туманлараро сайёр таҳририят йўлга қўйилди. «Оқшом», умуман газеталар тарихида биринчи марта газетамиз иккита индекс, яъни идоравий ва яккаҳол индекслар билан чоп этиладиган бўлди. Энг муҳими газетанинг тиражи ошди. «Тошкент оқшоми» — 140 минг, «Вечерний Ташкент» 180 минг нусхада босилди.

Ўшанда бизнинг ташаббусимизни кенг қўллаб-қувватлаган Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Оқшом» таҳририятига йўллаган мактубида шундай сатрларни ўқиш мумкин эди:

«Оқшом» журналистлари Ўзбекистон пойтахтининг солномасини яратиб келмоқдалар, улар Тошкент ва тошкентликларнинг кўп қиррали турмуши ҳақида, ютуқлар ва нуқсонлар тўғрисида, муваффақиятлар ва муаммолар хусусида, қувонч ва ташвишлар ҳақида, хуллас шаҳар аҳолисини ҳаяжонга солаётган барча масалалар тўғрисида ҳикоя қилиб келмоқдалар.

Муштарийларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра «Оқшом» йил сайин янада қизиқарли бўлиб бормоқда, турмушимизнинг долзарб масалалари ҳақида тез-тез ёзмоқда, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада рўй бераётган мураккаб жараёнларни тўғри ва ҳалол ёритишга интилмоқда. Журналистларнинг, муштарийларнинг, шаҳар аҳолисининг фикр-мулоҳазалари изҳор этилган мактубларидан кенг тарзда фойдаланишга интилиши муҳарририят фаолиятининг ўзига хос, ижодий хислатларидан биридир. Бинобарин, ана шундай мактублар ва оғзаки равишда қилинган мурожаатномалар Тошкентнинг кўп қиррали ҳаётининг муҳим муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, газета саҳифаларида ҳамшаҳарларимиз ҳаёти ҳақида, уларнинг иши ва ташвишлари тўғрисида, характер ва ўзаро муносабатлари тўғрисида ҳам тез-тез мақолалар ёритиб борилмоқда».

Албатта, бундай мақтовларни ўз муассисингдан эшитиш нақадар қувончли бўлмасин, биз ҳеч қачон мағрурланиб кетмасдик. Аксинча, масъулиятни янада ошириб бундан ҳам унумлироқ ишлаб, ўзимизга билдирилган ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қилардик.

Газета кўтарадиган мавзулар кўлами кун сайин ортиб борарди. Бу ранг-баранг соҳалар орасида газетхонларимизнинг истак ва талабларини инобатга олиб, уй-жой қурилишига кўпроқ эътиборни қаратардик. Ваҳоланки, айниқса шу йиллари Тошкентда уй-жой қурилиши жадал суръатлар билан давом этар, биз бу мавзуни «Уй-жой қурилиши — долзарб мавзу» рукни остида мунтазам ёритиб борардик. Уй-жой қурилиши соҳасини ёритишда кўпроқ бунёдкорларнинг ўзларига сўз бериларди. Қурилишдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида уларнинг ўзлари дилдаги гапларни рўй-рост айтиб беришарди. Сўзимиз исботи учун тубандаги икки хатни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

— Сифат сўзи назаримда биз қурувчиларга кўпроқ тааллуқлидек туюлади, — деб ёзган эди ўшанда «ГлавТашкентстрой»нинг 159-трестига қарашли 9-қурилиш бошқармаси бригадаси бошлиғи В.Петров. — Чунки бажараётган ишимиз унуми билан эмас, балки сифати билан ҳам қадрланади. Лекин, баъзан мезонни унутиб қўямиз. Тўғри, ишнинг қай даражада бажарилиши фақат қурувчигагина боғлиқ эмас. Бу масаланинг бошқа томонлари ҳам бор. Жумладан, қурилиш майдонига материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги кўпинча ишнинг белига тепади. Кейин материал келтирилади. Бироқ бунда шошма-шошарлик билан иш тутилади. Қурувчилар режа орқасидан қувиб сифатни унутишади. Ниҳоят объект амал-тақал қилиб фойдаланишга топширишга тайёр бўлади. Чунки бино қандай бўлмасин ўз муддатида топширилиши керак. Қарабсизки, қабул ҳайъатининг аъзолари савлат тўкиб бирин-кетин кириб келишади. Улар хоналарни чала-чулпа кўздан кечиришадию объектни (баъзи жузъий нуқсонларни ҳисобга олмаганда) яхши баҳо билан қабул қилиб кетишади.

Яшириб ўтирмайман, қурувчилар ҳам шунга ўрганиб қолишган. Чала-чулпа объектларни ҳам ҳайъат аъзолари қабул қилаверишади, деган фикрга бориб қолишган. Мана шу лоқайдлик, совуққонлик туфайли қанчадан-қанча оилалар жабр кўришади, уйлар сифатсизлигидан нолиб юришади.

Энди мана бу хатга эътибор беринг.

— Яқинда бир дўстимникида бўлдим, — деб ёзади 159-трестга қарашли 22-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи К.Зоитов. — У янги уй олган экан. Меҳмондорчилик қизиганда дўстим:

— Мен қурувчилардан хафаман, — деб қолди.

— Нега? — дедим мен таажжубланиб.

— Сабабини айтайми, кел, яхшиси мен билан хоналарни айлангин. Ҳаммаси ўзингга аён бўлади-қолади, — дея ўрнидан турди.

Ночор орқасидан юрдим. Қай кўз билан кўрайки, нуқсонсиз хона йўқ эди. Деворга ёпиштирилган дидсиз қоғозлар ёки уларнинг пала-партиш ёпиштирилганини кўрганимда пешонамдан муздек тер чиқиб кетди. Электр ўчиргичнинг ўйноқлаб ётиши, кранларда сув томчилаб туриши, ерга тўшалган линолеумларнинг ораси очилиб кетганини кўрганимда дўстим менга янада баттар таъна қилаётгандек туюлди. Ўша куни меҳмондорчиликдан бир аҳволда уйга қайтдим.

Яна бир воқеа эсимиздан чиқмайди. Ўшанда Хотира куни муносабати билан ҳаммамизга ҳар хил топшириқлар берилди. Тўлқин Расулев (охирати обод бўлсин) Абдулла Қаҳҳор тўғрисида эсдаликлар ёзиб берадиган бўлди. У шундай хотирлаган эди:

— Пешайвондаги стол атрофига қўйилган чипта креслоларга ўтиришимиз билан Кибриё опа дастурхон ёзиб пахта гулли чойнакда чой, қанддонда ширинлик келтирдилар. Абдулла ака синчков назари билан Неъмат аканинг қўлидаги (фотомухбир Неъмат Аъзамов мен билан бирга борганди) фотоаппаратларга қараб сўрадилар:

— Бу касб билан қачондан бери шуғулланасиз?

— Ўттиз йилдан ошди.

— Яхши... Дунёда касб-ҳунарнинг ёмони бўлмайди. Севиб, эътиқод қўйиб бажарилган касб-ҳунар эгасини ҳам шарафга кўмади.

Неъмат ака бу гапдан руҳланиб: «Ўттизинчи йилларда сизни бир саҳнада суратга олганман, уни уйимда авайлаб сақлаяпман», дедилар. Шу пайт Абдулла ака у кишига ним табассум билан нигоҳ ташлаб, дедилар:

— Нега ўша суратдан ўзимга бир нусха бермагансиз?.. — жавоб кутмай, яна ўзлари гапирдилар: — Ё ўлганимдан кейин бирор газета-журналда бостирмоқчимисиз?

Неъмат ака кўзойнагини қўлга олиб самимий кулди.

— Умрингиз узоқ бўлади... Мен ўша суратни тез кунда олиб келаман.

Шу биргина сўз Абдулла Қаҳҳорнинг топқирлиги, ҳозиржавоблиги, сўзамоллигини яққол билдириб турарди. Абдулла аканинг «Ўлганимдан кейин бостирмоқчимисиз» деган сўзини анча вақтгача хотирамизда сақлаб юрдик. Жўн келиб қолса гап орасида уни ўзимиз ҳам ишлатадиган бўлдик.

«Оқшом» журналистлари орасида янги гапни биринчи бўлиб айтиш ёки бирор ечимини кутиб турган долзарб муаммони кенг газетхонлар ўртасига ташлаб, уларнинг бу масалага қарашларини билишдек яхши бир одат бор эди. Бу ҳақда гап борганда биргина шаҳримизда меҳнаткашларнинг чинакам дам оладиган Сайилгоҳ кўчасини ташкил этиш хусусидаги бир қатор чиқишларимизни айтиб ўтиш кифоя холос. Агар газетанинг ўша йилги саҳифаларини варақлаган киши ҳозирги Сайилгоҳ кўчасининг бунёдга келишининг ташаббускори «Оқшом» газеталари эканлигини билиб олади.

«Тошкент оқшоми» ўшанда бу янгилик ҳақида ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Тошкент оқшомининг минг фаввораси» мақоласини чоп этди. Шундан кейин таҳририятимиз оқшомхонлардан жуда кўплаб мактублар олди.

— Биринчи навбатда, айтишим мумкин: «Тошкент оқшоми»нинг минг фаввораси» мақоласи менга жуда ёқди, — деб ёзган эди профессор Шабот Хўжаев. — Бир менгагина эмас, барча ҳамшаҳарларимизга ҳам маъқул келганига аминман. Чунки мақола шунчаки оддий мақола эмас. Унда аниқ таклиф, аниқ фикр-мулоҳаза ва яхлит муаммо бор. Сарлавҳанинг «Тошкент оқшомининг минг фаввораси» деб қўйилиши ҳам яхши ниятни билдиради. Яхши ниятни эса киши тезроқ амалий ифодасини кўргиси келади.

Энди биз ҳам гапнинг амалий томонига кўчсак. Дарҳақиқат, шаҳримизда пиёдалар зонаси, (мақолада унга Сайилгоҳ деб ном берилиши жуда тўғри бўлибди) яъни махсус сайилгоҳга бўлган эҳтиёж бу — бир ёки икки кунда туғилган эҳтиёж эмас, албатта. Бу масала шаҳримиз тараққиёти билан биргаликда ўсди, етилди. Ва мана бугун ўз ечимини кутиб турибди.

Ҳақиқатан ҳам, бу бир ёки икки кишининг иши эмас. Бу шаҳримиз ҳаётидаги йирик жиддий масала ва бу муаммони меъморлардан тортиб қурувчи, олим, шоирга биргаликда баҳамжиҳатлик билан муҳокама қилиб, атрофлича ўрганиб, жиддий ҳал қилмоқ керак. Мақолада шаҳардаги илгари мавжуд бўлган булоқлар, ариқлар, чойхоналарнинг саришталигидан тортиб, сайлу томошанинг тамойилларигача — ҳамма-ҳаммаси ҳақида батафсил фикр юритилган, таклиф ва тилаклар билдирилган.

«Оқшом»нинг бу мақоласи хусусида жуда кўплаб мухлислардан бу таклифни қўллаб-қувватлаган мазмундаги хат-хабарлар келган эди. Улардан яна бири Тошкент локомотив депоси машинисти Ҳабибулла Исамуҳамедовнинг ёзганлари диққатга сазовордир.

— «Оқшом» ўз саҳифаларида шаҳримизда пиёдалар зонасини вужудга келтиришга бағишланган мақолалар, таклиф ва истакларни бериб бораётгани яхши албатта. Чунки кўпчиликнинг маслаҳати, кенгаши ва иштирокида ҳал қилинган ишнинг натижалари ҳеч қачон чакки бўлмайди.

Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Тошкент оқшомининг минг фаввораси» сарлавҳали мақоласини ўқигач, кўп нарсалар ҳақида ўйладим. Жумладан, шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғларидаги аҳвол, кўча-кўйларнинг ободончилигини, бекатларнинг ўлда-жўлдалиги ҳақида ўйладим. Ҳақиқатан ҳам шаҳримизга сайилгоҳ керак. Керакмас, ҳатто шарт ва зарур. Чунки республикамиз пойтахтида ҳамшаҳарларимиз чиқиб кўнгилдагидек сайил қиладиган, ҳордиқ чиқарадиган ягона сайилгоҳ бўлмаса ёмон, албатта. Демак бўлмагач эса, уни вужудга келтириш керак. Бунинг учун баҳамжиҳатлик билан ўйлаб, ҳамжиҳатлик билан иш юритилса айни муддао бўларди.

«Оқшом» газеталари тарихида бундай ибратли мақолалар, саҳифаларни кўплаб учратиш мумкин. Афсуски, кичик бир чиқишимизда йилноманинг барча икир-чикирлари ҳақида, янгиликлар, керакли хабарлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш имкониятига эга эмасмиз.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Турфа олам*

## “ЎҚИЙМИЗ ВА ЁЗАМИЗ”

**Бельгияда “Ўқиймиз ва ёзамиз” деб аталувчи жамият бор. Саводсизликка қарши кураш ана шу жамиятнинг асосий мақсадидир.**

Таълим курси телевидение орқали олиб борилади, кўрсатувларда машҳур актёрлар ва спортчилар иштирок этишади. Маълум бўлишига қараганда, ўн миллионга яқин аҳолиси бўлган Бельгияда катта ёшдаги 168 минг киши на ўқишни, на ёзишни билар экан.

## ЁКИ ЛИБОС, ЁКИ ЖАРИМА

**Қирол фармони билан 1 майдан Бутанда мажбурий равишда анъанавий кийим-кечакларни кийиб юриш жорий этилади. Бундан буён барча эркаклар уйларидан чиқишдан олдин бел қисми боғланадиган узун ва кенг кийим кийишлари, хотин-қизлар эса кенг камарли, гавдани тўпиққача ёпадиган либос кийишлари, уларнинг албатта кумуш тўғноғичлари бўлиши керак.**

Мазкур қарор Ҳимолай қироллигининг “миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш” дастури доирасида қабул қилинган. Шу вақтга қадар қонунда давлат хизматчиларининггина миллий кийим кийишлари кўзда тутилган эди. Эндиликда мамлакатнинг қарийб бир ярим миллионга яқин аҳолисига ана шу анъанага риоя қилиш тўғри келади. Фармонга риоя қилмаганларга 150 нгултрум (американинг 10 долларига тенг) пул жаримаси солинади ёки улар бир ҳафталик қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Миллий спорт тури — камондан ўқ отиш билан шуғулланувчи спортчиларгина, фақат мусобақалар пайтида ана шу фармонга риоя қилмасликлари мумкин.

## ЖИНОЯТЧИЛАР ИЗИДАН

**Жанубий Африка полицияси беш нафар қаллобга халқаро қидирув эълон қилди.Улар мамлакатнинг энг йирик икки банки — “Транст бэнк оф Африка” ва “Фрест нешнл бэнк оф Сазерн Африка”га 19 миллион доллар зиён келтирган сохтакорликларда айбланадилар.**

Йоханнесбургдан олинган хабарларга қараганда, улар ҳисоб-китоб чекларидаги “Траст бэнк”нинг юқори мартабали вакили имзосини ниҳоятда усталик билан ясаб, ана шу чеклар ёрдамида бошқа банклардан пул олиб келишган. Жумладан, нархи 10 миллион долларга тенг “Фалькон — 50” самолётини, тилла тангаларни ва ишлов берилмаган зумрадларни сотиб олишда ана шундай сохта чеклардан фойдаланилган экан. Аммо жиноятчиларнинг қаерга яширингани ҳам, улардан тўрт нафарининг белгилари ҳам маълум эмас. Бешинчиси эса йоханнесбурглик сармоячи Стюарт Пегг бўлиб, у тахминан АҚШда яширинмоқда.

*Спорт*

## ЁШ ТАЭКВОНДОЧИЛАР БЕЛЛАШМОҚДА

**Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори таэквондо ҳам жадал суръатда ривожланмоқда. Буни ўзбекистонлик таэквондочиларнинг халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётганлиги ҳам яққол исботлаб турибди. Ҳар йили ўсмирлар ва ёшлар ўртасида таэквондо бўйича мамлакат чемпионати мусобақаларининг ўтказилаётганлиги умидли ёш спортчилар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.**

«Жар» спорт мажмуасида 1991, 1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионати мусобақаларига старт берилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Таэквондо федерацияси, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорликларида уюштирилган ушбу беллашувларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган умидли ёш таэквондочилар ғолиб бўлиш ниятида ўзаро баҳс олиб боришмоқда.

## ЖАЖЖИ ПОЛВОНЛАР ГИЛАМГА ЧИҚДИ

**Миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирувчи спорт турларидан бири курашни келажагимиз ворислари — болажонларимизга пухта ўргатиш, оммалаштириш мақсадида мутасаддилар томонидан мактабгача таълим муассасаларида кураш бўйича мусобақалар ташкил этилаётганлиги таҳсинга сазовор.**

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 243-боғча байрамона тус олди. Сабаби, туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида боғча тарбияланувчилари ўртасида кураш мусобақаси ўтказилди. Эътиборли томони, ушбу беллашувларда тумандаги ҳар бир боғчадан иқтидорли деб топилган жажжи полвон иштирок этиб ғолиб бўлиш ниятида гиламга чиқди. Муросасиз, қизиқарли кечган баҳслар якунида ҳар бир қатнашчига эсдалик совғалари, ғолиб ва совриндорларга совринлар туҳфа этилди.

## "ПАХТАКОР" ФАХРИЙЛАРИ — ҒОЛИБ

**Зарафшон шаҳридаги "Прогресс" стадионида мини-футбол бўйича фахрийлар ўртасида XV халқаро турнир бўлиб ўтди.**

Зарафшон қурилиш бошқармасининг 40 йиллиги муносабати билан уюштирилган ушбу турнирга ташриф буюрган ишқибозлар "Динамо" (Киев), "Динамо" (Минск), ЦСКА (Москва), "Колхозчи" (Ашгобот), "Қайрат" (Алмати), "Пахтакор" (Тошкент), "Сокол" (Учқудуқ), "Зарафшон" (Навоий), "Фортуна" (Самарқанд), "Строитель" (Зарафшон), "Букиной" (Зафаробод) сингари номдор жамоалар иштирокидаги қизиқарли беллашувларнинг гувоҳига айланишди. Рақибларидан кўра турнирга пухта тайёрланган "Пахтакор" ва "Динамо" (Киев) фахрийлари финалда ғолиблик учун ўзаро куч синашишди. Шиддатли курашлар остида ўтган баҳс пахтакорчиларнинг 6-3 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланиб "Пахтакор" фахрийлари бош совринни қўлга киритишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

**Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бир сўз билан айтганда соғлом жамиятни шакллантиришга катта эътибор берилмоқда.**

1998 йилнинг 10 ноябрида Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг тасдиқланиши, жорий йилнинг Сиҳат–саломатлик йили деб эълон қилиниши, шунингдек бугунги кунда Давлат дастури асосида олиб борилаётган қатор амалий ишлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу борада албатта тиббиёт ходимларининг зиммаларига масъулиятли вазифалар юклатилганлигини таъкидлаш жоиз. Халқ саломатлигини муҳофаза қилишда туну кун тиним билмай беморлар дардига малҳам бўлаётган қўли енгил шифокору ҳамшираларнинг меҳнатлари беқиёсдир.

15 июнь – Тиббиёт ходимлари куни мамлакатимизда ана шу заҳматли ва шарафли соҳа эгалари бўлган тиббиёт ходимлари ўзларининг касб байрамларини қизғин нишонладилар. Жумладан Яккасарой туманидаги 23-оилавий поликлиникада Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб "Спорт–соғлиқ гарови" мавзуида поликлиника ходимлари ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Жамоа "Ҳумо" ва "Ҳаёт" деб номланган икки гуруҳга бўлиниб, спортнинг бир неча турлари асосида олти шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Ниҳоятда қизиқарли ўтган мусобақа сўнгида ғолиб гуруҳ ва иштирокчилар муносиб совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан туман аҳолисининг соғлиғини тиклашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган поликлиниканинг бир неча ходимларига Фахрий ёрлиқлар топширилди.

* * *

Худди шунингдек Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам Мирзо Улуғбек туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан тумандаги соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Тадбир бошланишида Мирзо Улуғбек туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Гулнора Бурхонова ва туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг бош шифокори Баҳодир Дадамуҳамедов сўзга чиқиб тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этдилар ҳамда тиббиёт соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар ва фаол ходимларни Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирладилар.

Шундан сўнг боғ стадионида тиббиёт ходимлари тўрт гуруҳга бўлиниб югуриш бўйича спорт мусобақасида қатнашдилар. Қизиқарли ўтган беллашув ниҳоясида ғолиблар аниқланиб муносиб тақдирланди. Тадбир сўнгида тиббиёт ходимларининг касб байрамларига бағишланган концерт дастури намойиш этилди. Шу куни боғдаги болалар ўйингоҳлари тиббиёт ходимларининг фарзандларига бепул хизмат кўрсатди.

**Дилором ИКРОМОВА**




**СУРАТДА: Яккасарой туманидаги 23-оилавий поликлиникада бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.**

*Мунажжим башорати*

## ЁҚИМЛИ ХАРИДЛАР КУНИ

### 22 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

**Мазкур чоршанбанинг астрологик фони мўътадил бўлиб, йўналишсиз ҳолатда бўлган Ойнинг салбий таъсири фақат эрталаб ва кечкурунгина сезилиши мумкин. Кундузи Ой сайёрасининг Тоғ эчкиси буржида бўлиши одамларни йиғинчоқ ва мақсадга интилувчан қилиб қўяди. Бу эса қўйилган вазифани уддалашнинг энг матлуб йўлини мустақил топиш имконини беради.**

Самога тикланган нарвон ва беозор кабутар рамзлари Она-ерга ишончли таянган ҳолда кўкларга интилишнинг ва ҳамиша уйга қайтишни уддалашнинг муҳимлигини эслатиб туради. Шулар ҳақида мушоҳада юритиш ғоят фойдали. Инсон қалби кайфияти қанчалик осойишта ва эзгуликка интилувчан бўлса, олам сирлари унинг олдида ошкор бўлиши шунчалик енгил кўчади. Шунинг учун мунажжимлар куннинг кўпроқ қисмини табиат қўйнида ўтказишни маслаҳат беришади.

Бугунги кун деҳқончилик ишлари билан, кўчмас мулк савдоси, илмий ишлар билан шуғулланиш учун қулай ҳисобланади. Шунингдек, янги билимларни эгаллаш, тўпланган тажрибаларни бир тизимга солиш ва ўзлаштириш учун ҳам чоршанба самарали келади. Олимлар, тадқиқотчилар, математик ва дастурчилар учун ҳам бугун омадли кун – уларни янги кашфиётлар, эл эътирофи ва катта хурсандчиликлар кутиши мумкин.

**ЧОРШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— ускуналар, асбоблар, қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун ашёлар, ошхона анжомлари, идиш-товоқлар ва озиқ-овқатлар харид қилиш;

— ҳар ишда қатъият ва сабот кўрсатиш;

— кўпдан режалаштириб келаётган саёҳатга йўл олиш;

— ўз фикр ва режаларингизни аниқлўнда ифодалаш;

— мулкий муаммоларингизни ҳал этиш;

— тажрибали одамлар маслаҳатлари, халқ мақол ва маталларига амал қилиш;

— оғир лаҳзаларда ҳамкасблар ва қариндош-уруғларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Йўлда, сафарда эҳтиётсизлик ва бепарволикка йўл қўйишдан ўзингизни асранг.

**Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 10-тур баҳсларининг марказий учрашуви Фарғонада ўтказилди. «Нефтчи» стадионига йиғилган минглаб мухлислар «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги беллашувнинг гувоҳига айланишди.**

*Футбол*

## ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар доим мамлакатимизнинг икки етакчи жамоалари ўртасида уюштирилган учрашувлар муросасиз, кескин ва шиддатли курашларга бой кечган. Бу сафар ҳам ҳар икки жамоа футболчилари майдонга фақат ғалаба қозониш иштиёқида тушганликларини яшириб ўтиришмади. Сабаби «Пахтакор»га ҳам, «Нефтчи»га ҳам ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Айтиш мумкинки учрашув асосан тенг курашлар остида ўтди. Бироқ, «ўз майдонингда деворлар ҳам ёрдам беради», деганларидек, Юрий Саркисян шогирдлари томонидан уюштирилаётган ҳужумлардан бири гол билан якунланди. Қизиғи шундаки, ушбу ҳисобни ўзгартиришга ҳар икки жамоа вакиллари ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, Акмал Холматов томонидан киритилган гол ўйин охирига қадар ягоналигича қолди ва «Нефтчи»га муҳим уч очкони ҳадя этди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Металлург» — «Навбаҳор» — 1:0, «Насаф» — «Тўпаланг» — 3:1, «Сўғдиёна» — «Шўртан» — 2:1, «Қизилқум — Самарқанд — Динамо» — 3:1. Пойтахтимизнинг «Локомотив» ҳамда «Бухоро» жамоалари баҳси айни футбол пайтида ноқулай об-ҳаво шароити юзага келганлиги сабаб номаълум муддатга қолдирилди.

Шундай қилиб ўтказилган 10 турдан кейин ҳозирча «Насаф» турнир жадвалининг энг юқори поғонасини эгаллаб турибди. «Пахтакор»чилар эса иккинчи ўринда боришмоқда. Дарвоқе, тўпурарлар рўйхатини «пахтакор»чи Анвар Солиев 13 та гол билан бошқармоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти томонидан 1985 йилда Тўлқин Болтаевич Хиббимов номига берилган МВ-1 № 068217 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти Давлат кадастрлари ягона тизими бошқармаси (ИНН 202061424, ОКПО 16408157), Хўжалик ҳисобидаги ер ажратиш ва ерларни олиб қўйиш бўлими (ИНН 04666358, ОКПО 19202440) ва техник инвентаризация кадастр бюроси (ИНН 200626734, ОКПО 03892468" негизида "Хўжалик ҳисобидаги Тошкент вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ташкил этилади ва ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Мурожаатлар бир ой мобайнида кўриб чиқилади.

*Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Арифов кўчаси, 8-уй, тел. 134-11-63.*



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-509. 2 3 4 5 6